*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 59 (8299). | 21 март, 1984 йил ● | ЧОРШАНБА ● | Баҳоси 3 тийин.

## САРА КЎЧАТ ЭКИЛМОҚДА

ОБ-ҲАВОНИНГ қулай кунларидан унумли фойдаланиб, эртаки экинларни ерга сифатли қадаб олишга астойдил ҳаракат қилаётган Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз деҳқонлари карам экиш ишларини жадал олиб боришаяпти.

Хўжалик аъзолари ўтган йили карам ҳосилдорлигини гектар бошига 390 центнерданга етказишган эди. Бу йил мавжуд 45 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 291 центнер ўрнига 400 центнердан ҳосил олишни мўлжаллашаяпти. Бунинг учун барча майдонлар сифатли шудгорланди. Маҳаллий ва минерал ўғитларга тўйдирилди. 3 миллион 226 минг туп сифатли карам кўчати етиштирилди.

Эртаки карамни тез ва соз экиб олишда Холмурот Раҳметов, Сарибой Ибраев ва Бекет Мирғизаровлар бошлиқ бригада коллективлари намуна кўрсатяпти. Бу сингари бригадалар аъзоларининг ғайрат-шижоатлари туфайли хўжаликда кунига 5 гектардан ортиқ майдонга сара кўчатлар экилмоқда.

Колхозда шунингдек, помидор кўчатларини етиштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилаяпти.

А. ИБРОҲИМОВ.

## БРИГАДА ЕТАКЧИСИ

МАҲАМАД Нортоев Орджоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг 3-бригадасига етакчилик қилиб келаётганига мана 30 йилдан ошди. Бригаданинг 64 гектар экин майдони бўлиб, шундан 34 гектарида сабзавот, 30 гектарида эса картошка ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилмоқда.

Ўтган йилги табиат инжиқликлари бригада етакчиси учун ҳам, аъзолари учун ҳам ҳақиқий синов бўлди. Об-ҳаво ноқулайликларига қарамай бригадада 1050 тонна сабзавот ҳосили олинди. 12 гектар майдондаги маккажўхоридан эса 64 тонналик дон хирмони уйилди. Булардан ташқари бригада аъзолари давлатга 2300 килограмм пилла топширдилар. Абдуқаюм Назаров, Сулаймон Ҳасанов, Гулзифа Абдураҳмонова, Абдушукур Мажидов ва Юсуф Абдураҳмонов сингари деҳқонлар Маҳамад Нортоевнинг кўп йиллик тажрибаси асосида иш юритиб, коллектив муваффақиятига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бу йил бригада аъзоларининг режалари улкан. Улар 34 гектар майдондан 1200 тонна сабзавот, 8 гектар ердан эса 150 тонна картошка ҳосили ва кўплаб бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришмоқчи. Шунингдек, 39 қути ипак қурти боқилиб, ҳар қутидан 62,2 килограммдан, жами 2426 килограмм пилла олинади.

Айни кунларда бригадада баҳорги дала ишлари авж олган. Плёнка остига карам, бодринг экиш ишлари жадаллик билан бораяпти.

Бригадир Маҳамад Нортоевнинг кўп йиллик меҳнатлари партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак тақдирланди. Унинг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар дўстлиги орденлари ва бир қатор медаллар безаб турибди.

З. УБАЙДУЛЛАЕВ.

## ДАЛАЛАР ЧОРЛАЙДИ

ШАМОЛ баҳор нафасини олиб келаяпти. Наврўз қуёши тупроқни қиздира бошлади. Заминдан ҳовур кўтарилмоқда. Бу кунларни ҳамма интиқлик билан кутди. Начора, аксига олиб бойчечакнинг тупроқдан бош кўтариши анча кечикди. Бу, айниқса, деҳқонларимизни ташвишга солди. Кўклам ҳамма-ҳаммамизни жуда соғинтириб юборди.

Тўғрида, фаслларнинг асили, энг гўзали ва сўлими баҳор эмасми! Баҳор офтоби илк бор атрофга нур сочганида бутун мавжудот жонланади, ҳаммаёқ яшаради. Бу нурдан она-тупроқ, дов-дарахтлар қувват олиб гўзаллашади. Майсаларда, мурғак ниҳолларда, қушларнинг нағмасию бол арининг уясида яшаш учун, яратиш учун курашнинг нашъаси, илк дамлари ҳукмрон бўлади.

Замин миришкори деҳқоннинг қувончи, шодлиги бир олам. У тонг билан бирга уйғонади. Коржомасини кийиб, иш қуролини олиб, даласига ошиқади. Дала айланади, синчиклаб кўздан кечиради. Паст-баландини текислайди.

Ана катта картанинг нишобидан тушган ёлғиз оёқ йўлдан ўрта бўйли, оқ сариқдан келган, боқишлари тийрак, барваста қомат киши юриб бораяпти. У табиат ҳуснига маҳлиё.

Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг донгдор бригада бошлиғи Шавкат Нуриддинов эсини танибдики, деҳқончилик билан шуғулланади. Меҳнати туфайли элга танилди, обрў ортдирди. Бу обрўнинг ҳаммаси касбни эъзозлаганидан, ерни ардоқлаганидан, ҳар дақиқани қадрлаганидандир.

У шудгор ичига кириб, кузда ҳайдаб қўйилган майдонларни кўздан кечирди. Тупроқни сиқимлаб кўрди. Ер билан тиллашди. Унинг нафасини эшитди. «Вақтида отни қамчиладик,— ўйлади у,— Энди парваришга зўр беришимиз керак».

— Наврўз айёмида дастлабки довондан ошдик,— дейди Шавкат ака,— барча майдонларга эртаги экинларни экиб бўлдик. Август пиёзи, саримсоқ пиёз ва бошқа эртаги экинлар биринчи ишловдан чиқди. Бу йилги режаларимиз катта. Ҳар гектаридан олинадиган сабзавот ҳосилдорлигини 420 центнерданга етказамиз. Бунинг учун бизда ҳамма имконият, шарт-шароит бор.

...Бригада далаларини айланар эканмиз, карам пайкаллари, эртаги экинлари кўчати устига плёнка тортиб қўйилган майдонларни кўриб деҳқонларнинг маҳоратига тан бердик. Улар ғоят қийин об-ҳаво шароитида меҳнатда зўр фидокорлик, уюшқоқлик намуналарини кўрсатдилар.

Баҳор офтоби баландроқ кўтарила бошлади. Чор атроф янада кўркамлашиб, гўзаллашмоқда. Далалар гавжумлашиб қолди. Аҳдига вафодор, эл ишига садоқатли деҳқонларимиз кўкламни ўз меҳнатлари билан тобора кўркам қилмоқдалар. Баҳор соғинчи уларни жасоратларга чорламоқда.

Ф. МУҲИДДИНОВ.



Комсомол аъзоси К. Суюнов Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозида меҳнат қилади. Айни кунларда хўжаликда чигит экишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзаро мусобақада моҳир механизатор пешқадамлар сафида бормоқда. У ўзига бириктилган агрегатни экишга барвақт созлаб қўйди.

А. Мальцев фотоси.

*ИЛҒОР ТАЖРИБА МИНБАРИ*

## ҲОСИЛ ЭКИШДАН БОШЛАНАДИ

**Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз пахтадан муттасил мўл ва эртаги ҳосил етиштириб келмоқда. Ҳар йили ҳам план ва мажбуриятни барвақт адо этаётир. Бунга Тошкент технологиясини ижодий қўллаииб, чигитни қулай агротехника муддатида экиш, уни ернинг табиий намига тез ва текис ундириб олиш, ғўза парвариши билан боғлиқ бўлган агротехника тадбирлари комплексини интенсивлаштириб, экиннинг ривожланишини жадаллаштириш, вақтдан ютиш орқали эришилаяпти. Бу борада хўжаликда бой тажриба тўпланган. Қуйида шу ҳақда ҳикоя қилинади.**

Бу йил жонажон республикамиз ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг олтмиш йиллиги нишонланади. Бу ҳаммамиз учун катта байрам бўлади. Колхозимиз пахтакорлари байрамни давлатга пахта сотиш юзасидан белгиланган беш йиллик планни тўрт йилда бажарган ҳолда кутиб олиш ҳақида ваъда беришган. Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, ўн биринчи беш йилликнинг ўтган уч йилида ҳам пахтадан мўл ҳосил олингани, халқ хўжалик плани анча ошириб бажарилгани бунинг далилидир. Масалан, уч йилда давлатга уч ярим йиллик топшириқдагидан анча ортиқ пахта сотилди. Бу йилги марримиз юксак. У эгалланса беш йиллик план тўрт йилда бажарилади. Пахтакорларимиз аввал гектаридан 36 центнердан ҳосил олиш ҳақида сўз беришганди. Кейин уни ўзгартиришди, 40 центнер учун кураш мажбуриятини қабул қилишди.

Ана шу мўл ҳосилни етиштириш учун кураш чигит экишдан бошланади. Ғўза кун санайдиган экин. Унинг ривожланиши чигит ердан бош кўтарган кундан бошланади. Шу туфайли пахтадан мўл ва эртаки ҳосил етиштириш чигитни қулай агротехника муддатида экиш билан бир вақтда, уни тупроқнинг табиий намига тезроқ ундириб олишга боғлиқ. Биз доим шунга интиламиз. Экилган уруғ униб чиқмасдан тупроқнинг остида қанча вақт ётишига бефарқ қарамаймиз. Уни барвақт тўла ундириб олиш чорасини кўрамиз.

Барча пахта майдони ўтган йилнинг кузида икки ярусли плуглар билан 35—40 сантиметр чуқурликда шудгор қилинган. Ер ҳайдаш билан бирга яхшилаб текисланган. Ҳайдаш олдидан гектарига 250 килограммдан аммофос, ориқ ерларнинг гектарига 10 тоннадан гўнг солинган. Одатда биз ҳар қандай шароитда ҳам етиштирилган ҳосилни асосан машиналар билан қисқа муддатда йиғиштириб олиб, ерни эртароқ муддатда шудгорлашга ҳаракат қиламиз. Бунинг боиси шундаки, ҳосилдан бўшаган ер қанча барвақт шудгор қилинса, шунча кўпроқ дам олади, кучини тўлароқ тиклайди. Ўсимлик қолдиқлари, бегона ўтларнинг илдизи, солинган гўнг тўлароқ чириб, тупроқда кўпроқ чиринди ҳосил бўлади. Унинг структураси яхшиланади. Ҳаво алмашинуви ва сув ўтказиш қобилияти кучаяди. Унумдорлиги ошади.

Экиш техникаси, ерни экишга тайёрлашда ишлатиладиган механизмлар бултур ёзда ва кузда ремонт қилинган. Суғориш тармоқлари қишда тозаланиб, тартибга келтирилган. Колхознинг машина-трактор паркида техникани ремонт қилиш учун зарур токарлик, слесарлик, фрезерлик, пресслаш станоклари ўрнатилган устахона бор. Биз барча техника воситаларини «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг устахонасида эмас, балки ўзимизнинг устахонамизда ремонт қиламиз. Техникани ишлатиш мавсуми тугагач, у далада қолдирилмайди. Устахонага келтирилади ва аввал яхшилаб ювиб, чанг-лойдан тозаланади. Сўнг ремонт қилинади ва бўяб қўйилади. Ҳайдов тракторлари, чигит экадиган сеялкалар, борона ва чизеллар одатдагидек ўтган йили май ойида, культиваторлар, «ОВН-14» маркали аппаратлар, чопиқ тракторлари сентябрь ойида, пахта териш машиналари ноябрь-декабрь ойларида ремонт қилиб қўйилган. Ремонтнинг сифати устидан контроллик олиб борилди. Февраль ойида барча экиш техникаси яна бир марта текшириб кўрилди. Механизаторлар ва сеялкачилар ўқитилиб, қайта тайёрланди.

Юқорида ер кузда шудгорлаш билан бир қаторда, текисланган дедик. Биз доим шундай қиламиз. Чунки, биринчидан, нотекис ерга чигитни сифатли қилиб экиб бўлмайди. Қолаверса, баҳорда ерни текислайман деб овора бўлмаймиз, Барча куч ва эътиборни чигитни тезроқ экиб ҳамда уни тупроқнинг табиий намига ундириб олишга қаратамиз. Текис ерга экилган уруғ ҳамма жойда бир хил чуқурликка тушади ва баравар униб чиқади. Кўчат текис бўлади ва ғўзанинг ривожланишида хилма-хиллик юз бермайди. Ёзда эса ҳамма ердаги экин сувдан бирдек яхши баҳраманд бўлади.

Бу йил баҳор кечикди. Февраль-март ойларида ёғингарчилик кўп бўлди. Бунинг ҳам фойдаси, ҳам зарари бор. Фойдаси шундан иборатки, тупроқда кўпроқ нам тўпланди. Уни сақлаб қолиш учун ер етилиши билан дарҳол бороналаб, бостирамиз. Акс ҳолда республикамиз шароитида март ойининг охири ва апрель ойининг бошида айни чигит экиладиган вақтда кун исиб кетиб, тупроқдаги нам тез кўтарилиб кетади. Агар нам ўз вақтида бостирилмаса, экилган уруғни тупроқнинг табиий намига ундириб олиб бўлмайди. Зарари шундан иборатки, чигит экиладиган вақтгача пахта майдонларида бегона ўтлар ўсиши мумкин. Уни йўқотмасдан чигит экиб бўлмайди. Бегона ўтларни ерни чизеллаш йўли билан йўқотамиз. Энг хавфлиси шундаки, ёғингарчилик кўп бўлавериб, тупроқдаги нам ҳаддан ташқари кўпайса, ер ҳа деганда етилмаслиги, ундаги фойдали ҳарорат чигит экиладиган вақт келганда зарур даражага етмаслиги, натижада чигит экишни бошлаш муддати орқага сурилиши мумкин. Худди мана шунинг учун чигит экишни бошлашга шай бўлиб туриш, имкони бўлди дегунча ишга киришиш ва қисқа муддатда тугаллаш, уруғни тезроқ ундириб олиш керак.

Хўжалигимизда 15 та бригада бор. Ҳар бир бригадада иккитадан экиш агрегати ишлайди. Битта экиш агрегатига 40 гектар ер тўғри келади. Бундан ташқари, ҳар бир бригадада биттадан ерни экишга тайёрловчи агрегат ишлайди. Улар билан аввал ерни 2—3 марта бороналаб, намни бостирамиз. Сўнг зарур бўлса, бороналарни чизеллар билан алмаштириб, бегона ўтларни йўқотамиз. Бу ишлар тугаллангач, ҳайдов тракторларининг бир қисмини бульдозер, грейдерга айлантириб, ортиқча уват ва марзаларни, ариқлар, зовурлар ва йўлларни йўқотамиз. Карталарнинг боши ва адоғи, икки ёнида қолган ер бўлакларини ҳайдаб ёки чопиб, ерга ер қўшамиз, тўла гектарлар ҳосил қиламиз.

Эҳтиётдан ҳар бир бригадада биттадан қўшимча тракторчи ва сеялкачи бўлади. Агар чигит экаётган тракторчи ёки сеялкачи касал бўлиб ёки бошқа бирон сабаб билан ишга чиқолмай қолса, экиш агрегати бир соат ҳам тўхтаб қолмайди. Уларнинг ўрнини қўшимча тракторчи ва сеялкачи эгаллайди.

Шундай қилиб, тупроқдаги ҳарорат зарур даражага етиши билан дарҳол чигит экишни бошлаймиз ва уни 1180 гектар майдонда узоғи билан 55—60 иш соатида тугаллаймиз. Барча майдонга «Тошкент-6» ғўза навининг туксизлантирилган чигити ҳар бир уяга аниқ миқдорда уруғ ташлаб кетадиган сеялкалар билан 3,5—4 сантиметр чуқурликка экилади. Етарли миқдордаги дориланган уруғлик чигит ташиб келтирилган. Чигитни аниқ экишнинг фойдаси катта. Агар чигит оддий усул билан қаторлаб экилса, гектарига камида 75—80 килограмм, аниқ экилса 20—25 килограмм уруғлик сарфланади. Уруғлик чигитнинг бир тоннаси 200 сўм туради. Демак, биринчидан, 60 тоннага яқин қимматли уруғлик, бинобарин 10 минг сўмдан ортиқ маблағ, ғўзани яганалашга қилинадиган жуда кўп меҳнат тежалади. Иккинчидан, кўчат қалин бўлмаса ғўза яйраб ўсади. Солинган ўғит ва берилган сувдан яхшироқ баҳраманд бўлиб, тез ривожланади.

Чигит экишнинг сифати устидан қаттиқ контроллик ўрнатамиз. Колхоз бош агрономи раҳбарлигида сифат комиссияси тузилган. Унинг составига правление ва партия комитети аъзолари киритилган. Улар ва халқ контроли группасининг аъзолари ерни экишга тайёрлаш, экиш агрегатларининг қандай созланганлиги, далага келтирилган уруғлик чигитни сақлаш, унинг қандай намланганлиги, экиш чуқурлиги каби талабларнинг бажарилиши устидан назорат олиб борадилар. Ерни экишга тайёрлашда ишлатиладиган ва экиш агрегатларига техника хизмати кўрсатишга алоҳида эътибор берилади. Машина-трактор паркида эҳтиёт шарти билан қўшимча тракторлар, сеялкалар тайёрлаб қўйилган. Биронта экиш ёки ерни экишга тайёрлашда ишлатиладиган агрегат бузилиб қолса, дарҳол телефон орқали марказий устахонага хабар қилинади. Устахонадан эса радио телефон орқали далада айланиб юрган кўчма устахонага маълум қилинади. Кўчма устахонада механик, слесарь, зарур эҳтиёт қисмлар бўлади. Борди-ю, бузилган трактор ёки сеялкани далада тузатишнинг иложи бўлмаса, у марказий устахонага олиб келинади ва ўрнига дарҳол бошқа трактор ёки сеялка юборилади. Уруғлик чигит, гербицидни бригадаларга вақтида етказиб бериш мақсадида алоҳида транспорт воситалари ажратилган.

Чигит экиш билан бир вақтда ҳар гектар ерга албатта 1—1,2 килограммдан «катарон» гербициди соламиз. Бу тадбир, айниқса, колхоз аъзоларининг кўпчилиги баҳорда ипак қурти боқиш билан банд бўлган даврда ғўзани бегона ўтлар босишига йўл қўймайди. Хусусан бу йил баҳорда ёғингарчилик кўп бўлиб, тупроқда етарли миқдорда нам тўпланган шароитда чигит экиш билан бир вақтда ерга минерал ўғит солмаймиз. Чунки у тупроқни музлатиб, чигитнинг тезроқ униб чиқишига халақит беради.

Чигит униб чиқиб, ғўза қаторлари шаклланиши билан дарҳол бир йўла минерал ва маҳаллий ўғит солган ҳолда майин культивация ўтказиб, қатор ораларидаги тупроқни юмшатамиз ва ғўзанинг илдизи яхши ривожланиши, унга қуёш нури ҳамда ҳаво киришини таъминлаймиз. Бунинг боиси шундаки, илдизи яхши ривожлансагина ғўза тез ривожга киради.

Шуни ҳам айтиш керакки, бригадаларда чигитни қайси механизатор экса, ғўзани ҳам ёзда унинг ўзи парвариш қилади, пахтани ҳам кузда ўзи теради. Шунинг учун ҳам механизатор чигитни сифатли қилиб экишга, қаторларнинг тўғри бўлишига эришишга ҳаракат қилади. Чунки, бригада пудрати асосида ишлаётган бригадаларда улар ҳосилнинг тақдири учун жавобгар эканликларини, пировард натижадан манфаатдор бўлишларини, ҳосил эса чигит экишдан бошланиши, унинг мўл бўлиши чигитни вақтида сифатли қилиб экишга, ғўзани маромида парвариш қилишга, ҳосилни машиналар билан тезроқ териб олишга боғлиқлигини яхши билишади.

Экиш даврида механизаторларга, сеялкачиларга, далада ишлайдиган бошқа колхозчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхши йўлга қўямиз. Дала шийпонлари ремонт қилиб қўйилган. Колхозчилар дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган.

Хулоса қилиб айтганда, биз чигит экишни Тошкент технологиясининг муҳим бўғини, мўл ҳосил учун курашнинг асосий шартларидан бири деб биламиз. Уни намунали ўтказиш учун ҳаракат қиламиз.

**М. РЎЗИМАТОВ,**
**Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, область пахтакорлар Советининг раиси.**

**Т. МАДИЕРОВ,**
**колхоз партия комитетининг секретари.**

**А. ШЕРИМБЕТОВ,**
**бош агроном.**

**П. А. ТЯН,**
**бош инженер.**

## БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИ

ПИСКЕНТ районидаги Охунбобоев номли колхознинг Эркин Назаров бошлиқ бригадаси аъзолари ўтган йилги мураккаб об-ҳаво шароитида мавжуд 75 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 31,5 центнер ўрнига 34 центнердан ҳосил олишган эди. Мазкур йилда бригада деҳқонлари гектарлар ҳосилдорлигини 40 центнерданга етказишга аҳд қилишган. Бунинг учун эса кеч куздан бошлабоқ мустаҳкам замин ҳозирланмоқда.

Бригадада экин майдонларини шудгорлаш, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари хўжаликда биринчилар қатори амалга оширилди. Бу ишларда Абдусамат Эшбоев, Йўлдош Икромов ва Ҳомид Тошев сингари ўртоқлар, айниқса, намуна кўрсатишмоқда.

Айни кунларда бригаданинг барча майдонлари экишга тахт қилиб қўйилган. Коллективга бириктилган 3 та трактор, сеялка ва бошқа механизмларнинг ҳаммаси сифатли ремонтдан чиқарилиб, старт чизиғига келтирилган.

О. АБДАКИМОВ.

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎН САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети қарор қилади:

1. Халқ депутатлари область Советининг тўққизинчи сессияси 1984 йил 29 март куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

2. Халқ депутатлари область Советининг тўққизинчи сессиясига кўриб чиқиш учун қуйидаги масалалар киритилсин;

— область маҳаллий Советларининг КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь ҳамда 1984 йил февраль Пленумлари қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко нутқларидаги қоида ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифалари;

— аҳолига маиший хизмат кўрсатиш область бошқармасининг халқ депутатлари область Советининг 1983 йил 16 майдаги «КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорлари асосида аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш ва яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасидаги иши тўғрисида;

— ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари область Советининг еттинчи ва саккизинчи сессияларида қилинган докладларда ва депутатларнинг нутқларида баён этилган танқидий фикр ва таклифларнинг бажарилиши тўғрисида.

**Халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси**
**Т. АЛИМОВ.**

**Халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг секретари**
**А. МАНСУРОВ.**

1984 йил, 15 март.

## «ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

### РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● ЧИРЧИҚ. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати симкаши — Арина Шек учун серунум ишлаш оддий воқеа бўлиб қолди. Донгдор уста 21 апрель куни меҳнатда янги рекорд қўйишга: Коммунистик шанбаликда икки ярим норма иш бажаришга қарор қилди. У резервларни қидириб топишга киришиб, иш вақтини тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун қўшимча имкониятларни топди. Комбинатнинг эллик нафар металлурги ундан ибрат олиб ўз зиммасига юксак мажбуриятлар қабул қилди. Энг яхши ишчиларнинг тажрибасидан фойдаланиш корхона коллективига топшириқни йигирма процент ошириб адо этиш имконини беради.

● САМАРҚАНД. Самарқанддаги «Красний двигатель» заводида Коммунистик шанбалик штаби тузилди. Бу ерда 21 апрель куни аниқ-пухта ишлаш программаси ишлаб чиқилди. Тракторлар учун поршинлар ишлаш цехида янги автомат линияни созлашга киришилди. Соли Сиддиқов, Абдужалил Хатамов бошлиқ бригадаларнинг, катта мастер Даврон Ҳамроев сменасининг коллективи смена топшириғини бир ярим баравар ошириб адо этиш ниятидадир. Заводнинг ёрдамчи хўжалигида катта ҳажмдаги ишлар бажарилади. Чорвадорлар шу куни ишчиларга кўплаб товуқ, курка, мол гўшти жўнатиш ниятидадир. Корхонанинг барча меҳнатчилари Коммунистик шанбаликда қатнашадилар. Улар шу куни тракторлар учун 600 комплект эҳтиёт қисм ишлаб чиқарадилар. Ҳар икки комплектдан бирига сифат белгиси қўйилади.

● ТОШКЕНТ. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик бирлашмасининг Александра Степановна Хавайло бошлиқ бригадаси коллективи 21 апрель куни кунлик топшириқда кўзда тутилганидан ўттиз процент кўп маҳсулот ишлаб чиқаради. Тикувчилар меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасидан самарали фойдаланишни ўзларининг асосий резерви деб ҳисоблайдилар. Бирлашма меҳнатчиларининг кўпчилиги Коммунистик шанбаликда ягона наряд асосида ишлайди. Коллектив «Қизил шанбалик» кунида 200 минг сўмлик эркаклар костюми, шим, юбка ва бошқа хил моллар ишлаб чиқаради. Бу маҳсулотнинг учдан бир қисмига Сифат белгиси қўйилади.

● БУХОРО ОБЛАСТИ. Вобкент районидаги Калинин номли колхознинг барча меҳнатчилари В. И. Ленин туғилган куннинг 114 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалигида актив қатнашишга қарор қилдилар. Улар 21 апрель куни 200 гектар майдондаги боғ ва токзорларда ерга ишлов бериш, ўн гектар майдонга қовун ва тарвуз экиш мажбуриятини олдилар. Икки минг метр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланади, 1,5 километр йўл ремонтдан чиқарилади. Шу куни кўпгина колхозчилар ўз қишлоғини ободонлаштириш иши билан шуғулланадилар. Вобкент районидаги Охунбобоев номли «Ленинград», «Коммунизм» колхозларининг ва бошқа хўжаликларининг меҳнаткашлари ҳам 21 апрель куни катта ҳажмдаги ишларни бажаришни мўлжалламоқдалар.

● АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Республика яйлов-мелиорация қурилиши бирлашмасининг Андижон механизациялашган кўчма колоннасининг коллективи москваликларнинг 21 апрель куни Коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлади. Бу ерда 200 дан кўпроқ киши меҳнат байрамига чиқади. «Қизил шанбалик» кунида беш минг сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишларини бажариш мўлжалланмоқда.

Шанбаликка тайёргарлик кўриш давомида ҳар бир кунни зарбдор кунга айлантиришга, энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга, қурилиш-монтаж ишларининг юқори сифатли бўлишини таъминлашга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

